

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2020 йил февраль ойининг 17 кунини жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Иштихон тумани “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи, судья К.Пансатов, судья ёрдамчиси Ф.Сувановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Иштихон туман прокурорининг ёрдамчиси Ф.Туранов, судланувчи Атаҳаджаев Собир ва Атаҳаджаев Санжар ва уларнинг ҳимоячиси–Каттақўрғон шаҳар “Kattaqo'rg'on himoya” адвокатлар ҳайъатининг адвокати А.Балиев, жабрланувчи З.Пайзиева ва О.Пайзиевларнинг иштирокида, судланувчи Атаҳаджаев Собир Джабборович ва Атаҳаджаев Санжар Джабборовичларга оид 1-1407-2001/2-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

1. Судланувчи: **Атаҳаджаев Собир Джабборович** (Atahadjayev Sobir Djabborovich) 1986 йил 25 апрель кунини Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Иштихон туман ХТБга қарашли 2-сонли ИДУМда ўқитувчи, Иштихон тумани, “Хонақа” МФЙга қарашли, “Хонақа” қишлоғида яшайди, унга нисбатан “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 25 декабрь кунини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “а,в,г,и” бандлари билан;

2. Судланувчи: **Атаҳаджаев Санжар Джабборович** (Atahadjayev Sanjar Djabborovich) 1988 йил 17 январь кунини Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, “Шахриддин нурли замин” фермер хужалигида ҳисобчи, Иштихон тумани, “Хонақа” МФЙга қарашли, “Хонақа” қишлоғида яшайди, унга нисбатан 2019 йил 18 декабрь кунини “Гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 25 декабрь кунини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “а,в,г,и” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини суд мажлисида атрофлича таҳлил қилиб, тарафларнинг музокараси ва судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Атаҳаджаев Собир Джабборович ва Атаҳаджаев Санжар Джабборовичлар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб,



2019 йил 16 октябрь куни соат 09:30 ларда Иштихон тумани, Митан қўрғони, “Қ.Қаршиев” МФЙга қарашли, Нуристон кўчасида жойлашган Иштихон туман МТБга қарашли 13-сонли мактабгача таълим муассасаси ховлисида ўзларига олдиндан таниш бўлган куёви О.Пайзиев ва унинг опаси З.Пайзиевалар билан олдиндан бўлган оилавий келишмовчилик сабабли ўзаро жанжаллашиб қолиб, шу жанжал давомида қўл, оёқлари ва тош билан О.Пайзиевни юз, бош ва танасини бошқа соҳаларига жабрланувчининг опаси З.Пайзиевнинг кўз ўнгида ўта шафқатсизлик билан қасдан ўришаётганида фуқаролик бурчини бажариш мақсадида яқин қариндоши ҳисобланган О.Пайзиевни ажратиб олишга ҳаракат қилган З.Пайзиевани ҳам юз, бош ва танасини бошқа соҳаларига ўта шафқатсизлик билан қасдан ўришиб, уларга “Ўртача оғирликдаги тан жароҳати” етказишган.

Иштихон туман суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг 2019 йил 31 октябрдаги 740-сонли хулосасига кўра, О.Пайзиевнинг танасида яъни юз, чап ёноқ соҳаларида шилинмалар, чап пастки қовоқ, чап сон соҳаларида қонталашлар, энса, ўнг кулоқ соҳаларида эзилиб йиртилган яралар, бош мия чайқалиши, бурун суягини ҳамда ғалвирсумон суякнинг чап деворини ёпиқ синиши каби жароҳатлар мавжудлиги аниқланганлиги, ушбу жароҳатлар ўтмас-қаттиқ жисмлар таъсирида етказилган бўлиб, одатдаги кечувида соғлиқни йигирма-бир кундан кўп, бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига олиб келишлиги, шунинг учун ўртача оғирликдаги шикаст гуруҳига киришлиги, етказилиш муддати 2019 йил 16 октябрь кунига тўғри келишлиги кўрсатилган.

Иштихон туман суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг 2019 йил 4 ноябрдаги 748-сонли хулосасига кўра, З.Пайзиевнинг танасида чап қош, чап ёноқ соҳаларида эзилиб йиртилган яралар, чап кўз конъюнктиваси остига қон қуюлиши, бўйин соҳасида шилинма, 24,25-тишларини тож қисмидан синиши, чап кўз косаси медиал девори олдинги қисмини ёпиқ синиши, бош мия чайқалиши каби жароҳатлар мавжудлиги аниқланганлиги, ушбу жароҳатлар ўтмас-қаттиқ жисмлар таъсирида етказилган бўлиб, одатдаги кечувида соғлиқни йигирма-бир кундан кўп, бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига олиб келишлиги, шунинг учун ўртача оғирликдаги шикаст гуруҳига киришлиги, етказилиш муддати 2019 йил 16 октябрь кунига тўғри келишлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Атаҳаджаев Собир айбига қисман иқрорлик билдириб, ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни 2019 йил 16 октябрь куни тахминан соат 08:50 ларда унга синглиси 1991 йилда туғилган А.Атаҳаджаева телефон қилиб, турмуш ўртоғи О.Пайзиев ва қайнопаси З.Пайзиева иккаласи уни Митан қўронидаги 13-сонли боғчанинг олдида уриб ҳақорат қилганлигини, у боғчанинг ичига кириб ўтирганлигини айтганлиги, шу вақт иш жойидан чиқиб Митан қўрғонидаги 13-сонли болалар боғчасига келиб боғчанинг ховлисига кирганида, боғчанинг қоровули жойида йўқлигини, боғчанинг ховлисида куёви О.Пайзиев ва унинг опаси З.Пайзиева иккаласи турганлигини кўрганлиги, уларга яқинлашган вақти куёви О.Пайзиевни маст ҳолда эканлигини билганлиги, у синглиси А.Атаҳаджаевани нимага урганлигини, оралари очиқ бўлганлиги ҳақида гапирган вақти куёвининг опаси



3.Пайзиева уни ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қилганлиги, у эса боғчани ховлисида жанжал қилмасликни ташқарига чиқишни айтганида куёви О.Пайзиев устидаги чапонини ечиб уни ҳақорат қилганлиги, у ҳақорат қилмаслигини айтганида шу ерда бўлган 3.Пайзиева келиб, унга ёпишиб қўзига тақилган кўзойнагини синдириб, сочларидан тортганлиги, куёви О.Пайзиев эса қўллари билан уни юзига бир неча бор уриб, қорин соҳасига 3-4 марта тепганлиги, шу орада укаси С.Атаҳаджаев келиб куёви О.Пайзиев билан уни ажратиб куёви О.Пайзиев билан жанжаллашиб кетганлиги, 3.Пайзиева эса укаси С.Атаҳаджаевнинг сочига ёпишиб кетганлиги, шу вақт укаси С.Атаҳаджаев 3.Пайзиевани итариб юбориб, уни ажратиб олиб, у ва синглиси А.Атаҳаджаева иккаласини боғчанинг ховлисидан олиб чиқиб кетганлиги, шундан сўнг синглиси А.Атаҳаджаевани яшаш уйига ташлаб, кейин унга янги кўзойнак олиш учун Самарқанд шаҳрига борганлиги, жабрланувчи О.Пайзиев ва 3.Пайзиевалар унга нисбатан тухмат қилаётганлиги, бўлиб ўтган жанжал вақтида уни кўзларидаги кўзойнагини 3.Пайзиева синдириб ташлаганида уни кўзларини кўриши сусайиб қолганлиги, у ҳеч кимни урмаганлиги ва тан жароҳати етказмаганлиги, 3.Пайзиева ва О.Пайзиевлар олган тан жароҳати ким томонидан етказилганлигини кўрмаганлиги, сабаби кўзойнагини синдириб ташлаганлиги сабабли кўзи яхши кўрмай қолганлиги, бу ҳолатда ҳеч кимни уриб тан жароҳати етказадиган аҳволда бўлмаслиги, куёви О.Пайзиев укаси С.Атаҳаджаев билан уришган вақтида ушбу тан жароҳатни олган бўлиши мумкинлиги, у ушбу жанжал вақти олган тан жароҳати бўйича шифохонага мурожаат қилмаганлиги ва суд тиббий экспертизасидан ўтмаганлиги, у 3.Пайзиева ва О.Пайзиевни уриб тан жароҳати етказмаганлиги, ишни қонуний кўриб чиқишни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Атаҳаджаев Санжар айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни 2019 йил 16 октябрь куни тахминан соат 08:50 ларда унга бегона рақамдан қўнғироқ бўлганлигини кўриб орадан 10 дақиқалар ўтиб қайтиб шу бегона рақамга қўнғироқ қилганида синглиси А.Атаҳаджаева унга йиғлаган ҳолда уни турмуш ўртоғи О.Пайзиев ва қайнопаси 3.Пайзиева иккаласи уриб ҳақорат қилаётганлигини айтганлиги, кейин у Митан кўрғонида жойлашган 13-сонли болалар боғчасига борганида боғчанинг ховлисида акаси С.Атаҳаджаевни ичига куёви О.Пайзиев тепиб ётганлигини опаси 3.Пайзиева эса сочларидан тортқилаб ётганлигини кўрганлиги, шундан сўнг югириб бориб О.Пайзиевни итариб юборганида О.Пайзиев спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини билганлиги, О.Пайзиев уни ҳақорат қилганлиги сабабли қўли билан О.Пайзиевни юз соҳасига бир маротаба уриб ерга қулатганлиги, шу вақт 3.Пайзиевауни орқасидан келиб, сочига ёпишганида 3.Пайзиевани итариб юборганида ўша ерга йиқилиб тушганлиги, О.Пайзиев ерда ётган вақтида танасини турли жойларига ураётганида 3.Пайзиева укасини устига ётиб урмаслигини сўраганлиги, шундан сўнг у акаси С.Атаҳаджаевни синиб ётган кўзойнагини йиғиштириб, акаси С.Атаҳаджаев ва синглиси А.Атаҳаджаевани олиб чиқиб кетганлиги, 3.Пайзиева ва О.Пайзиев уларни ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қилганлиги, укаси ва синглисини ҳимоя қилиш учун 3.Пайзиева ва О.Пайзиев билан жанжаллашганлиги, бироқ акаси С.Атаҳаджаев ҳеч кимни урмаганлиги, 3.Пайзиева ва О.Пайзиевни у уриб тан жароҳати етказганлиги, дастлабки тергов



вақтида боғчада ишловчи бир қиз З.Пайзиева ўзини сочини ўзи ёйиб ўзига тан жароҳати етказганлигини айтганлиги, З.Пайзиевани у урмаганлиги, итариб юборганлиги ҳақида кўргазма берганлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчилардан кечирим сўраганлиги, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни сўради.

Судланувчи Атаҳаджаев Собир суд мажлисида гарчи ўз айбига қисман иқрорлик билдириб судланувчи Атаҳаджаев Санжар ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари қуйидаги объектив далиллар йиғиндиси билан ҳам ўз исботини топади.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Пайзиева Зухра ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни у 2019 йил 14 октябрь куни Иштихон тумани, “Хонақа” МФЙга қарашли, “Чангалтепа” қишлоғида яшовчи ота-онасини кўриш учун қидириб келганлиги, укаси О.Пайзиев оиласи билан яшамаётганлиги сабабли 16 октябрь куни соат тахминан 09:00 ларда укаси О.Пайзиев билан унинг ўғлини кўриш учун Митан кўрғонида жойлашган 13-сонли болалар боғчасига борганлиги, боғчани олдида укасини турмуш ўртоғи А.Атаҳаджаева олдида ўғли вояга етмаган Алибекни кўрганлиги, келини А.Атаҳаджаева улар билан сўрашиб уларга ўғли Алибекни қолдириб, ўзи эса боғчага кириб кетганлиги, шундан сўнг у ва укаси жияни Алибекни тахминан 5-10 дақиқалар ўйнатиб ўтирган вақтида уларни олдида келини А.Атаҳаджаевнинг акаси Атахужаев Собир келиб уларни ҳақорат қилганлиги, у Атаҳаджаев Собирга “Собир 5 дақиқа кўриб сўнг уйимизга кетамиз” деб айтганида Атаҳаджаев Собир уларни ҳақорат қилишдан тўхтамаганлиги, орадан биров вақт утиб Атаҳаджаев Собирнинг укаси Атаҳаджаев Санжар боғча ховлисига қўлига икки дона тошни олиб келиб ўша тош билан уларни тўғри келган жойларига урганлиги, Атаҳаджаев Санжар укаси О.Пайзиевни бошини орқа томонига тош билан урган вақтида укаси хушидан кетиб ерга йиқилганлиги, шундан сўнг Атаҳаджаев Собир уни сочларидан юлиб ҳамма жойларига тепганлиги, кейин у укаси О.Пайзиевни ураётган Атаҳаджаев Санжарни қайтармоқчи бўлганида Атаҳаджаев Санжар қўлидаги тош билан уни чап кўзига урганлиги, шу вақт Атаҳаджаев Собир ҳам уни тўғри келган жойларига урганлиги, Атаҳаджаев Собир билан Атаҳаджаев Санжар оёқлари билан ерда ётган укаси О.Пайзиевни танасини турли жойларига тегиб урганлиги, у укасини ҳимоя қилиш учун укасини устига ётиб, уларга укасини урмасликларини айтганлиги, Атаҳаджаев Собир уни юзига уриб сочидан тортиб судраганлиги, у Атаҳаджаев Собирни урмаганлиги ва кўз ойнагини синдирмаганлиги, Атаҳаджаев Собир билан Атаҳаджаев Санжар боғчадан ташқарига чиқиб уларни яна уриш мақсадида кутиб турганлиги, шундан сўнг у отасини чақириб бирга шифохонага борганлиги, ҳозирги вақтда судланувчилар уларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, судланувчиларга нисбатан давоси йўқлигини баён қилди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Пайзиева Ойбек ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни турмуш ўртоғи А.Атаҳаджаева у билан жанжаллашиб қолиб уйига кетиб қолганлиги сабабли 2019 йил 16 октябрь куни тахминан соат 09:00 ларда ўғлини кўриш учун опаси З.Пайзиева билан Митан кўрғонида жойлашган 13-сонли болалар боғчасига борганлиги, улар боғчаолдида



турганида турмуш ўртоғи А.Атаҳаджаева ўғлини етаклаб келиб ўғлини уларнинг олдига ташлаб ўзи эса боғчага кириб кетганлиги, у опаси З.Пайзиева билан ўғли А.Толлибоевни ўйнатиб ўтирганида, олдига қайнакаси Атаҳаджаев Собир ва Атаҳаджаев Санжарлар келиб у билан опасига нега келганлигини айтиб уларни ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қилганлиги, шу вақт Атаҳаджаев Собир қўли билан опаси З.Пайзиевани юз соҳасига урганлиги, Атаҳаджаев Санжар қўлидаги тош билан уни бошини орқа томонига уриб танасининг қолган жойларига қўллари билан уриб ташлаганлиги, у ерга йиқилиб сал ўзига келиб қараганида, опаси З.Пайзиевани қайнакаси Собир ва Санжарлар биргалашиб, сочидан тортиб танасининг туғри келган жойларига уриб тегиб ётганлигини кўрганлиги, кейин уларни уришдан тўхтаб боғчадан чиқиб кетганлиги, у эғнидаги чопонни кун исиб кетганлиги сабабли ечиб қўйган бўлганлиги, ҳозирги кунда судланувчилар уларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, судланувчиларга нисбатан давоси йўқлигини, уларга енгиллик қилишни баён қилди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Қорабекова Наргиза ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни у 2017 йилдан буён Иштихон туман МТБга қарашли 13-сонли болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаб келишлиги, 2019 йил 16 октябрь куни тахминан соат 07:30 ларда иш келиб ота-оналардан болаларни қабул қилиб олганлиги, тахминан соат 09:30 ларда у боғчанинг болалар хонасига яъни боғчанинг биринчи қаватига кириб ишларини қилиб тўранида, боғчанинг ховлисидаги бақир чақир овозини эшитиб чиққанлиги, боғчанинг ховлисида бир аёл киши билан бир эркак кишини юзлари қон бўлиб турганлигини ва усти боши бир ахволда эканлигини кўрганлиги, бироқ у жанжални кўрмаганлиги, у ташқарига чиққан вақтида жанжал тугаб бўлганлиги, ким кимни урганлигини кўрмаганлигини баён қилди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Жаниқулова Хурият ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни у 2019 йил 1 март кунидан буён Иштихон туман МТБга қарашли 13-сонли болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаб келишлиги, 2019 йил 16 октябрь куни тахминан соат 07:45 ларда ишга келиб ота-оналардан болаларни қабул қилиб олганлиги, шундан сўнг тахминан соат 09:30 ларда у боғчанинг болалар хонасига кириб, ўз ишлари билан боғчанинг иккинчи қаватига чиқаётганида, боғчанинг ховлисида боғча мудираси М.Холназарова ва шу ҳудуд профилактика инспектори Й.Олтинов ҳамда яна бир унга нотаниш бўлган бир аёл кишини юз соҳалари қон бўлиб турганлигини, олдида яна бир ёш эркак киши турганлигини кўрганлиги, шундан сўнг ўз ишлари билан хонага кириб кетганлиги, кейинчалик у кўрган аёл киши билан ёш эркак кишини ўзларининг қариндошлари уриб тан жароҳати етказганлигини эшитганлиги, бироқ жанжални кўзи билан кўрмаганлигини баён қилди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ А.Атаҳаджаева ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни у турмуш ўртоғи О.Пайзиев билан кўп жанжал қилаверганлиги сабабли қизлик уйига бир нафар фарзандини олиб келиб қўйганлиги, шундан сўнг бир нафар фарзандига алимент ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туман судига ариза билан мурожаат қилганлиги, суднинг турмуш ўртоғидан бир нафар ўғлига алимент ундириш ҳақидаги қарори чиққанлиги, 2019 йил 16 октябрь куни тахминан 08:30 ларда бир нафар вояга етмаган ўғли А.Толлибоевни Митан кўрғонида жойлашган 13-



сонли болалар боғчасига олиб келаётган вақтида, кўчада турмуш ўртоғи О.Пайзиев билан қайнопаси З.Пайзиеваларни кўрганлиги, шу вақт қайнопаси З.Пайзиева унга “сенми хали мени укамни алиментга берадиган” деб уни ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қилганлиги, турмуш ўртоғи О.Пайзиев келиб ўнг оёғига тегиб қўллари билан урганлиги, шу вақт қайнопаси З.Пайзиева уни сочидан тортқилаганлиги, у фарзандини болалар боғчасига қадар етаклаб келишига қадар уни ҳақорат қилиб келганлиги, у боғчанинг дарвозасидан киришида орқасидан қайнопаси билан турмуш ўртоғи келганлиги сабабли фарзандини қолдириб, боғчанинг иккинчи қаватига чиққанлиги, унинг телефони бўлмаганлиги сабабли боғча тарбиячисини телефонидан акаси Атаҳаджаев Санжарга кўнғироқ қилганлиги, акаси телефонни кўтармагандан сўнг катта акаси Атаҳаджаев Собирга телефон қилиб, турмуш ўртоғи О.Пайзиев билан қайнопаси З.Пайзиева уни юришга қўймай кўчада ҳақорат қилишганлигини айтиб ёрдамга чақирганлиги, орадан бироз вақт ўтиб, акаси Атаҳаджаев Собир келгандан сўнг боғчанинг иккинчи қаватидан пастликка яъни боғчанинг ховлисига тушиб уларни олдидаги ўғлини олиб боғчанинг ичига кирганлиги, шу вақт акаси Атаҳаджаев Собир турмуш ўртоғи О.Пайзиев ва қайнопаси З.Пайзиевага “нимага синглимни юргани қўймайсизлар ажратиб олганмизку” деб айтганида қайнопаси З.Пайзиева акаси Атаҳаджаев Собирга ёпишиб кетиб, унинг кўзидаги кўзойнагини олиб синдириб ташлаганлиги, шу вақт турмуш ўртоғи О.Пайзиев устидаги чапонини ечиб акаси Атаҳаджаев Собирни тўғри келган жойларига тепганлиги, шу орада кичик акаси Атаҳаджаев Санжар келганлиги, катта акаси Атаҳаджаев Собирни юзлари қонаб турганлигини кўриб, турмуш ўртоғи О.Пайзиев билан уришиб, бир-бирини уриб тегиб кетганлиги, жанжални ажратмоқчи бўлган қайнопаси З.Пайзиевани ҳам акаси Атаҳаджаев Санжар итариб юборганлиги, шундан сўнг Атаҳаджаев Санжар у билан акаси Атаҳаджаев Собирни боғчанинг ичидан олиб чиқиб кетганлигини баён қилди.

Бундан ташқари, судланувчи Атаҳаджаев Собир ва Атаҳаджаев Санжарларнинг жиноят содир этганликдаги айблари жиноят ишининг 3-4-варақларидаги билдиргилар, 11-12, 16-17-варақларидаги аризалар, 19-24-варақларидаги экспертиза хулосалари, 106-122-варақларидаги юзлаштириш баённомалари, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари каби иш бўйича тўпланган ишончга сазовор далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Атаҳаджаев Собир ва Атаҳаджаев Санжарларнинг икки шахсга нисбатан, фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан унинг яқин қариндошларига нисбатан, бир гуруҳ бўлиб, ўта шафқатсизлик билан қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишда ифодаланган жинойий ҳатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “а,в,г,и” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Атаҳаджаев Собирнинг суд мажлисида ўз айбига қисман иқрорлик билдириб “...у ҳеч кимни урмаганлиги ва тан жароҳати етказмаганлиги, ...у З.Пайзиева ва О.Пайзиевни уриб, тан жароҳати етказмаганлиги” деб берган кўрсатуви, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, ҳамда жиноят ишидаги мавжуд



тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари билан тўлиқ рад қилиниб, унинг ушбу кўрсатувларини жиноий жавобгарликдан қутилиш учун ўйлаб топган важлари сифатида танқидий баҳолаб, ишончга сазовар эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Атаҳаджаев Собирга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчиларни даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардеб топиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни эътироф этмади.

Суд, судланувчи Атаҳаджаев Собирга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли Қарорида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, Атаҳаджаев Собирнинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, унинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни, содир этилган қилмишнинг сабабларини, жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида белгиланган “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига риоя этиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Атаҳаджаев Собирга нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи Атаҳаджаев Санжарга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчиларни даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни эътироф этмади.

Суд, судланувчи Атаҳаджаев Санжарга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли Қарорида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, судланувчи Атаҳаджаев Санжарнинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, унинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни, содир этилган



қилмишнинг сабабларини, жабрланувчиларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида белгиланган “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига риоя этиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Атаҳаджаев Санжарга нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни ҳамда гаров учун судланувчи С.Атаҳаджаев томонидан қўйилган 62.136.000 (олтмиш икки миллион бир юз ўттиз олти минг) сўмлик “Нексия” русумли, 30D 567 ЕАдавлат рақам белгили автомашина судланувчи С.Атаҳаджаевнинг ўзига тилхат орқали қайтарилганлигини эътироф этишни лозим топади.

Суд, жабрланувчи З.Пайзиева ва О.Пайзиевларга жиноят оқибатида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъвоси бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457,463,465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб суд

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

1.Судланувчи **Атаҳаджаев Собир Джабборович** (Atahadjayev Sobir Djaborovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “а,в,г,и” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Атаҳаджаев Собир Джабборовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “а,в,г,и” бандлари билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Атаҳаджаев Собир Джабборович яшаш жойидан ҳар куни соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 гача чиқиши чеклансин.

Судланувчи Атаҳаджаев Собир Джабборовичга:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмаслик;

-алкоголли ичимлик истеъмол қилмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Судланувчи Атаҳаджаев Собир Джабборовичнинг хулқи устидан назорат олиб бориш Иштихон туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати, суд ҳукми ижрога қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Судланувчи Атаҳаджаев Собир Джабборовичга нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

2. Судланувчи **Атаҳаджаев Санжар Джабборович** (Ataxadjayev Sanjar Djabborovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “а,в,г,и” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Атаҳаджаев Санжар Джабборовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “а,в,г,и” бандлари билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Атаҳаджаев Санжар Джабборович яшаш жойидан ҳар куни соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 гача чиқиши чеклансин.

Судланувчи Атаҳаджаев Санжар Джабборовичга:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмаслик;

-алкоголли ичимлик истеъмол қилмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Судланувчи Атаҳаджаев Санжар Джабборовичнинг хулқи устидан назорат олиб бориш Иштихон туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати, суд ҳукми ижрога қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Атаҳаджаев Санжар Джабборовичга нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ҳамда гаров учун судланувчи Атаҳаджаев Санжар Джабборович томонидан қўйилган 62.136.000 (олтмиш икки миллион бир юз ўттиз олти минг) сўмлик “Нексия” русумли, 30 D 567 EA давлат рақам белгили автомашина судланувчи Атаҳаджаев Санжар Джабборовичнинг ўзига тилхат орқали қайтарилганлиги эътироф этилсин.

Жабрланувчи Пайзиева Зухра Толлибоевна ва Пайзиев Ойбек Толлибоевичга жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъвоси бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нухасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи, судья:**

(имзо)

**К.Пансатов**

*Аслига тўғри:*

